

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий  
ходими: Д.Шайхитдинова*

Каркидонлар тоқ туёқли сут эмизувчилар туркумига киради. Оиласи еттитагача тури ва кенжак турлари бор. Африка, Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиёда тарқалган. Тропик ўрмонларда сув бўйидаги чакалакзорларда, тоғларда, ботқоқликларда яшвайди. Гавдаси йирик, узунлиги беш метргача, бўйи икки метргача думи қисқа, териси қалин деярли жунсиз. Бурни устида ва қаншарида 1-2, қора каркионданда 3 та шохи бўлади Кўзи кичкина яхши кўрмайди, бўйни қисқа ва йўғон. Бармоқлари учта учида туёқлари бор. Ҳидлаш ва эшитиш органлари яхши ривожланган. Тунги ҳайвон. Якка ёки жуфт-жуфт бўлиб баъзан тўрт, бештаси пода бўлиб юради. Каркидонлар турли ўсимликлар билан озиқланади. Пашиб ва сўналардан қочиб, ботқоққа тушиб ётади. Танаси вазмин ва қўполлигига қарамай тез югуради. Гўшти, ёғи истеъмол қилинади. Териси, шохидан турли буюмлар тайёрланади. Бешта суматра, ҳинд, ява, қора, ок каркидонлар бор. Барча турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида бугунги кунда 100 мингдан ортиқ эспонатлар саланаётган бўлиб, улардан 300 таси Табиат бўлимига оиддир. Булардан 2100 таси гербариylар, қолганлари ҳайвон қотирмалари ҳисобланади. Бу экспонатлар орасида айримлари нодир ва ноёблиги билан ажralиб туради. Шулардан бири индикотерия ҳисобланади. Бу ҳайвон каркидонлар авлодига мансуб бош суяги бўлиб намойишга қўйилган Ушбу каркидон – индикотерий 2009 йилда Наманган шахрининг Навоий номли театр атрофини ободонлаштириш – қазиш ишлари жараёнида мавжуд бўлмаган жонзотнинг бош суяги топилган. Музей илмий ходими Эркинжон Мирзаалиев топилмани музейга олиб келиб, уни қандай жонивор эканлигини ва қай даврга мансублигини аниқлаш учун НамДУ олимлари Эркинбой Икрамов ва бошқаларни жалб этди. Улар турли

тахминларни ўртага ташлаб, бош суяқ қўнғир айиқники деган фикрлар билдирилди. Тошкент Давлат табиат музейи директори Зубайдулло Каримовнинг Наманганга ташрифи масалани бир мунча енгиллаштириди. Пойтахт олимлари тегишли тахлил ва экспертизадан сўнг. бир тўхтамга келдилар. Ушбу топилмани бош суяги Индикотерияга тегишли. Унинг баландлиги 5 метрга етиб, ўз даврида замин қурасининг энг йирик сут эмизувчи маҳлуқидан саналган. Индикотериялар кичик тўдалар ҳолида ҳозирги Қозоғистон худудида кезиб, ўт-ўланлар, дараҳтлар шохи билан озиқланган. Жанубий Қозоғистон ва орол бўйи мингтақалардаги қазишмалар вақтида унинг склетлари топилган. Эвалюцион нуқтаи назардан индикотериялар каркидонларнинг энг қадимий авлодларидан (лекин улар бурнида шохи бўлмаган) ва ер тарихининг тўртламчи даврида қирилиб кетган. Бу давр гиохронология илми ҳисоб- китобига кўра бизнинг замонга нисбатан 600000 йилдан -3,5млн йил бурун ҳам Наманган худуди дашт бўлмаган. Баландлиги беш метрлик, узунлиги саккиз метрлик жонзорлар яшаганки бинобарин уларга ўт-ўлан, дараҳт ҳам ўсган .Бу ғаройиб каркидонлар камида 600000 йилча бурун йўқ бўлиб кетган, аммо негадир номи яшаб қолган. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак, қолаверса Чустлик пичноқсозларда дастанинг мугуз-каркидон суягидан тайёрланиши ҳам бир анъана. Аммо матоҳ ҳозир топилмайди. Ҳаёлга келадики уларнинг аждодлари уни ер остидан юз миллион йиллар бурун қолиб кетган. маҳлуқ склетидан олишмадимикан?. Чустдаги катта қишлоқлардан бирининг номи ҳам Каркидон бу ном бекорга қўйилмагандир балки? Каркидон Наманганда яшаган эканки мана суяги чиқди. Бу факт юртимизга эмас балки сайёрамиз тарихига таълуқлидир.

### **АДАБИЙОТЛАР**

- 1.Мозийдан садо илмий-амалий,маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
- 2.San'at журнал.2/2013 йил сони.
- 3.San'at Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
- 4.Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й

5. Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгоҳлари. Наманган шахри 2015 й. Л. Ахмадалиева